

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил май ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Шаҳрихон туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси А.Дадаханов, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг катта ёрдамчиси И.Давронов, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, Бўстон тумани “Шуъла плюс имкон” адвокатлик фирмаси адвокати А.Рустамовларнинг иштирокида [REDACTED] нисбатан 1-1716-2001/61 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1980 йил 6 сентябрда Бўз туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, судланмаган, партиясиз, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, Бўстон туманидаги “И.М.Давидов” фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлайди, [REDACTED] яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] қуйидаги ҳолатда жиноят содир этган.

[REDACTED] 2020 йил 26 март куни соат 04⁰⁰ ларда бошқарувидаги “Ласетти” русумли 60 F 013 КА давлат белгили автомашинасини Бўстон тумани, Гузар МФЙ ҳудудидан ўтган Бўстон - Янгиобод транспорт қатнов йўлининг Янгиобод йўналиши бўйича 70 км. соат тезликда бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатни серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келганда, транспорт воситасини тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчиларига хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги, 78-



моддасидаги аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 км.дан, турар жой даҳалари ва ёндош худудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилиши тўғрисидаги талабларига риоя қилмасдан, йўлда велосипед бошқариб кетаётган 1988 йилда туғилган [REDACTED] ни орқа қисмига автомашинасининг олди ўнг томони билан уриб юбориб, суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 16 апрелдаги 13-сонли хулосасига кўра, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир шикаст етказилиши натижасида унинг ўлимига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузган.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

[REDACTED] нинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, “Ласетти” русумли 60 F 013 КА давлат белгили автомашинасини 2019 йилда Шаҳрихон туманида яшовчи фуқародан сотиб олиб, тегишли барча ҳужжатлари бўлгани ҳолда бошқариб келишини, фермер хўжалигининг баҳорги мавсум ишлари билан 2020 йил 26 март куни дала майдонига чигит экишмоқчи бўлиб, трактор техникаларига эҳтиёт қисмлари кераклиги сабабли бошқарувидаги “Ласетти” автомашинасида Наманган вилояти Норин туманидаги бозордан керакли эҳтиёт қисмларни олиб келиш учун тонг сахар соат тахминан 03³⁰ ларда уйдан чиққанини, Бўстон туманидаги Пахта тозалаш жамияти биносига ёнига етганида, уйда қолган ишдан чиққан эски сеялка эҳтиёт қисми бозордаги сотувчиларга кўрсатиш учун олволиш мақсадида ортига қайтганини, Бўстон тумани, Гузар МФЙ, Ипак йўли кўчасидан ўтган Бўстон – Янгиобод транспорт катнов йўлининг Янгиобод йўналиши бўйлаб тахминан 70 км. соат тезликда ҳаракатланиб кетаётганида бирдан ўзини ўнг томонидан шарпа чиққанини сезгани ва автомашинасини олди қисмига урилганини, тезлик билан автомашинасини тормозини ишга тушириб тўхтаганини, кейин дарҳол автомашинадан тушиб қараса велосипед миниб кетаётган одамни уриб юборганини кўриб, шок ҳолатига тушиб, бир муддат нима қилишини билмай ўзини ёмон ҳис қилганини, тонг сахар кўчада ҳеч қандай автомашина ҳаракатланмаётганлиги сабабли таниши “Шерзод”га телефон қилиб, бўлган ҳолатни тушинтириб, воқеа жойига тез етиб келиши ҳақида айтганини, сўнг таниши Шерзод билан бирга ерда ётган жабрланганни кўтаришиб танишининг автомашинасига солишиб, зудлик билан туман марказий шифохонасига олиб боришганини, у ерда шифокорлар жабрланганни жонлантириш бўлимига олишиб, зарур чораларни кўришганини, маълум бўлишича ўшанда автоҳалокатдан жабрланган шахс фуқаро [REDACTED] бўлиб, қўшни маҳалладоши бўлиб чиққанини, [REDACTED] ни шифохонага олиб кетаётганида у тирик бўлганини, шифокорларни ҳар қанча уринишларга қарамасдан тақдир тақазоси билан [REDACTED] олган оғир тан жароҳати туфайли шифохонада вафот



этганини, [REDACTED] нинг дафн маросимлари учун ўзининг оила-аъзолари томонидан нима керак бўлса қўлидан келган кўмакларни қилиб, мархумнинг яқинларига моддий ёрдам кўрсатишганини, келгусидан ҳам мархумнинг оиласига моддий ёрдам қилиб хабар олиб туришини, бўлиб ўтган ишлардан жуда ҳам афсусда эканини, яна бир бор мархумнинг яқинларидан кечирим сўрашини, суддан енгиллик қилишни илтимос қилиб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, [REDACTED] оиласи билан бирга истиқомат қилишини, мархум [REDACTED] нинг онаси бўлишини, ўғли [REDACTED] нинг ёши 32 да бўлиб, Россия давлатига бориб ишлаб келиб юрганини, 2020 йил февраль ойида ўғли [REDACTED] Россиядан келиб, карантин эълон қилинганлиги учун қайтиб кета олмай қолиб, уйда бўлиб, деҳқончилик қилиб юрганини, шу сабабли 2020 йил 26 март куни тонг сахар соат 04⁰⁰ ларда ўғли [REDACTED] дала майдонидаги деҳқончилик экинларига очиб қўйган сувдан хабар олиш мақсадида уйдан чиқиб кетганини, кейин соат 06⁰⁰ ларда уйига МФЙ раиси, ИИБ инспектори келишиб, ўғли [REDACTED] ни суриштиришиб, унинг фуқаролик паспортини олиб кетишганини, ўғли [REDACTED] нинг қўл телефони ўчиқ бўлгани сабабли кичик ўғлига телефон қилиб, акаси [REDACTED] дан хабар олишини айтиб хавотирланганини, кейин маълум бўлишича ўғли [REDACTED] йўлда велесипеда кетаётган вақтда автоҳалокатга учраганини, натижада олган оғир тан жарохати билан туман марказий шифохонага тушиб қолиб, у ерда жонлантириш бўлимида ўзига келмай вафот этганини, судланувчи [REDACTED] ва унинг яқинлари томонидан ўғлининг дафн маросимлари учун яқиндан кўмак кўрсатилиб ва бошқа моддий ёрдамлар қилинганини, [REDACTED] ва унинг оиласини яхши билишини, бир жойдан бўлишиб, қўшни маҳалладан эканини, судланувчига нисбатан ўзини ва оила аъзоларини даъвоси йўқлигини билдириб, [REDACTED] нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ А.Қодиров судда, Бўстон туман ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчи лавозимида ишлаб келишини, мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини олиб бориб яқунлаганини, ҳақиқатан ҳам судланувчи [REDACTED] 2020 йил 26 март куни тонгда яъни соат 04⁰⁰ ларда бошқарувидаги “Ласетти” русумли 60 F 013 КА давлат белгили автомашинасини Бўстон тумани, Гузар маҳалласи худудидан ўтган Бўстон-Янгиобод транспорт катнов йўлида бошқариб кетаётиб, велосипед ҳайдовчиси [REDACTED] нинг орқа томонидан уриб юбориб, йўл-транспорт ходисасини содир қилганини, ўша вақтда ходиса содир бўлган жойга етиб бориб, кўздан кечириб, расмийлаштирилиши лозим бўлган барча расмий ҳужжатлар тузилганини, судланувчидан қон намуналарини олиниб, спиртли ичимлик ичган-ичмаганлиги текширилганини, жабрланган [REDACTED] ўша куни вафот этгани учун айбдорга нисбатан ўша куннинг ўзида жиноят иши қўзғатилганини, иш бўйича суд тиббий, суд биологик экспертизалари, эксперимент ва судга оид изшунослик экспертизалар



ўтказилганини, [REDACTED] томонидан автомашинада содир этганлиги йўл-транспорт ҳодисаси жиноят ишида тўпланган далиллар ва экспертиза хулосалари билан тасдиқланганини, шунга кўра [REDACTED] жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганини билдириб кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ А.Нурматов судда, йўл транспорт ҳодисасида вафот этган [REDACTED] нинг отаси бўлишини, ҳақиқатан ҳам ўғли [REDACTED] 2020 йил 26 март куни тонг сахар вақтда экинларга очилган сувдан хабар олиб келиш мақсадида уйдан велосипедда далага қараб чиқиб кетганини, йўлда фарзандини кўшни маҳаллада яшовчи [REDACTED] бошқарувидаги автомашина билан орқасидан келиб қолиб уриб юборганини, шу автоҳалокат сабаб бўлиб ўғли [REDACTED] ўша куни вафот этганини, бу вақтда тунги сменада ишда бўлгани учун уйдагилар бўлган ҳолат юзасидан хабар берганида эшитиб билганини, судланувчи [REDACTED] ва унинг яқинлари томонидан ўғлининг дафн маросимлари учун моддий ёрдам кўрсатилганини, [REDACTED] камалгани билан ўғли қайтиб келмаслигини, судланувчини яхши танигани учун ва [REDACTED] айбини тан олиб, кечирим сўраб, пушаймонлигини билдиргани ҳамда улар томонидан қилинган моддий ёрдамларини эътиборга олиб, судланувчига нисбатан унинг ва оила-аъзоларини даъволари йўқлигини билдириб, енгиллик қилишни айтиб кўрсатув берди.

- суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 16 апрелдаги 13-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] да “бош мия очиқ шикасти, бош мия юмшоқ пардаси остига, мия тўқимасига, қоринчаларига қон қуйилиши, бош гумбаз суякларини синиши, жигар ва талокни ёрилиши, ўпка тўқимасига қон қуйилиши, бўйин биринчи умуртқасини энса суягига бирикиш соҳасидан синиши, ўнг болдир суякларини пастки учлигидан очиқ синиши, танасида кўплаб лат яра ва шилинмалар” аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари йўл-транспорт ҳодисаси вақтида автомашинанинг ташқи бўртиб чиқиб турувчи қисмлари билан урилиши ва ер сиртига йиқилиши натижасида олган бўлиши, ҳаёт учун хавфлилик мезонига кўра оғир тан жароҳатлари даражасига кириб, мазкур ҳолатда [REDACTED] нинг ўлимига сабаб бўлганлиги аниқланган (ишнинг 14-23 варақлари).

- суд транспорт – изшунослик экспертизасининг 2020 йил 14 апрелдаги 21-02/(440)14.1 Z /421-сонли хулосасида, тўқнашув вақтида “Ласетти” русумли 60 F 013 КА давлат белгили автомашинанинг олди зарба қайтаргичини ўнг томони ва олди давлат белгисини “б” ёзуви туширилган қисми, [REDACTED] бошқарувида бўлган ХХРда ишлаб чиқарилган рама № бўлмаган велосипедни орқа ғилдираги шинасини нақшли қисмига теккан кўрсатилган (ишнинг 34-37 варақлари).

- суд транспорт – баҳолаш экспертизасининг 2020 йил 15 апрелдаги 21-02/(440)13.3 Z /424-сонли хулосасига кўра, “Ласетти” русумли 60 F 013 КА давлат белгили автомашинани йўл-транспорт ҳодисаси натижасидаги моддий зарар миқдори 5.243.315 сўмни ташкил қилиши аниқланган (ишнинг 41-44 варақлари).



- суд транспорт – баҳолаш экспертизасининг 2020 йил 15 апрелдаги 21-02/(440)13.3 Z /423-сонли хулосасига кўра, “GREENBIKE” русумли рама № бўлмаган велосипедни йўл транспорт ҳодисаси натижасидаги модий зарар миқдори 170.000 сўмлиги аниқланган (ишнинг 45-46 варақлари).

- судга оид биология экспертизасининг 2020 йил 6 апрелдаги 78-“Рах” сонли хулосасига кўра, фуқаро [REDACTED] нинг қони βα (III) гуруҳга мансублиги, текширувга тақдим этилган ашёвий далилларда воқеа жойидан олинган дока бўлакларида одам қони топилганлиги, бу қоннинг гуруҳий мансублиги текширилганда β антигени ва α изогемагглютининлари аниқлангани, демак, бу қон қони βα(III) гуруҳга мансуб бўлган шахс ёки шахслар томонидан қолдирилган бўлиши мумкинлиги, шулар қатори фуқаро [REDACTED] томонидан ҳам қолдирилган бўлиши мумкинлиги, (ишнинг 50-54 варақлари).

- судга оид автотехника экспертизасининг 2020 йил 18 апрелдаги 272-сонли хулосасига кўра, агар хавф йўл транспорт ҳодисаси жойидан 65,5 метр масофа узоқликдан юзага келган бўлса, мазкур узоқлик масофасида бўла туриб ҳайдовчи 50-70 км/соат тезликдаги “Ласетти” автомобилени ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлгани ҳақида хулоса қилинган (ишнинг 89-90 варақлари).

Суд, И.Маматовнинг айби ўзининг иқрорий кўрсатувлари, юқоридаги экспертиза хулосаларида баён этилган ҳолатлардан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома, унга илова қилинган схема ва фотосуратлар, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотномалар, кўрсатувларини воқеа жойида текшириш баённома, эксперимент ўтказиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган чизма, фотосуратлар, шунингдек, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомаларида баён этилган ҳолатлар суд мажлисида аниқланган воқеа тафсилотларига тўла мос келиб, далиллар мажмуини тўлдириши билан ҳам тасдиқланди.

Суд, [REDACTED] нинг “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларига риоя қилмасдан, йўл-транспорт ҳодисасини содир этиши пировардида одам ўлимига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузганлик, эҳтиётсизлик оқибатидаги жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, [REDACTED] га жазо тайинлашда, у томонидан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилали, 3 нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, марҳумнинг дафн маросимларини ўтказишга моддий ёрдам кўрсатганлигини, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлигини



Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, қонун санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, бироқ, уни муқаддам судланмагани, айбига тўлиқ иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилали, 3 нафар фарзандлари борлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги асосий жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиб, Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиб, синов муддати белгиланган, синов муддати давомида унга муайян мажбуриятлар юклаш, унинг устидан кузатув олиб боришни Шаҳрихон тумани ИИБ Пробацяя гуруҳи зиммасига юклаш;

- жабрланувчи [REDACTED] га етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва унинг судланувчи И.Маматовга нисбатан даъвоси йўқлигини олиш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 1(бир) йил 6(олти) ой транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4(тўрт) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, уни озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиб, 2(икки) йил синов муддати белгилансин.

Ҳукми ижро қилиш ва судланганнинг ҳулқи устидан назорат олиб бориш Бўстон тумани ИИБ Пробацяя гуруҳига юклатилсин.

[REDACTED] га яшаш жойи ўзгариб қолган тақдирда бу ҳақда ҳулқини назорат қилиб борувчи органга хабар бериш, ҳар ойда камида бир марта ички ишлар бўлимига келиб рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

[REDACTED] га синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ва меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига асосан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги тушунтирилсин.



█ га тайинланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ҳукм қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланиши белгилансин.

█ га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин, гаров шартлари бузилмаганлиги сабабли гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пуллар █ га қайтарилсин.

Жабрланувчи █ га етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчи █ га нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан, 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда, қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо)

А.Дадаханов

Ҳукм алоҳида хонада раислик қилувчи томонидан “Avtech” компьютерида чоп этилди.

Раислик қилувчи: (имзо)

А.Дадаханов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

иш бўйича раислик қилувчи:

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон

туман судининг раиси:

А.Дадаханов

